

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Гафуров Бехруз Юлдошович

МЕРЛО ПОНТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Илмий раҳбар: профессор в.б. Г.М.Рузматова
Оппонент: доцент Р.Р.Каримов**

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
 I-боб Мерло Понти таълимотининг шаклланиши	
1. Мерло Понти қарашларига Эдмунд Гуссерл феноменологиясининг таъсири	9
2. Мерло Понти томонидан “метафизик” услубнинг ишлаб чиқилиши.....	20
 II-боб Мерло Понтининг феноменологик концепцияси	
1. Мерло Понти “янги онтология”сининг интерсубъектив мазмуни.....	28
2. Санъат ва адабиётнинг экзистенциал- феноменологик талқини.....	38
 Хулоса.....	50
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	52

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда инсоният илм-фан ва бошқа соҳаларда ҳам жуда катта ютуқларни қўлга киритди ва киритиб келмоқда. Албатта бунга унинг ўз ақл ва билим даражаси орқали эришди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳам шунини таъкидлайдики: “Бугун халқаро ҳаёт, кишилик ҳаёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч - адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч - билим ва тафаккурда” деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли”¹. Шундай экан ҳозирги кунда ҳар бир инсон ўз ақл ва тафаккур савиясини оширишни давр тақоза этмоқда. Президентимиз Ислон Каримов яна шундай деб таъкидлайди: “Шуни унитмайликки, бугунги кишиларга хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру – ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждотларимизнинг ворислари сифатида “Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдирыпман” деган тушунча ва интилишни юрагига жойлаб яшаши шарт”². Бундан шунини

¹ Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni – xalq, millatni – millat qilishga o'tsin. –Toshkent, 1998. –B. 9.

² Karimov I.A. Inson, uning huquq va erkinliklari – oliy qadriyat. 14-jild. –Toshkent, 2005. –B. 71.

хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир ёшдан ўзига яратилган қулай имкониятлардан оқилона фойдаланишни таълаб қилади. Бу эса ўз касбини яхши эгаллашдан ташқари дунёдаги илғор фикрлар, янгиликлардан боҳабар яшашлигини кўрсатади ва дунёда турли туман халқлар бўлиб, улар ўз фалсафий қарашларига эгадирлар.

Фалсафий меросни, ўтмиш қадриятларини кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек¹, ҳозирги маънавиятнинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиқ бериш учун зарурдир. Бу эса, ўз навбатида, миллий онг, миллий ғурур, тарихи, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, халқ меҳнатига, ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажagini оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига, фалсафий фикр ривожига ўзига хос хисса қўшган Ғарб юзлаб, минглаб файласуфлар, шоиру адабиётшуносларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай мутафаккирлардан бири Мерло Понтидир.

Мерло Понти ижодида инсоний қадриятларнинг юксак хислатлари – ахлоқийлик, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, эркинлик, адолат, ижтимоий юксалиш каби масалалар олға сурилди. Улар Мерло Понти асарларининг асосий мазмунини ташкил этади. Шунинг учун ҳам, мутафаккирнинг ижодини таҳлил қилиш бугунги кунда ҳам доимо долзарб масала бўлиб қолади.

¹ Каримов И. XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 34.

Битирув малакавий ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. “Мерло Понтининг фалсафий қарашлари” номли мазкур тадқиқот иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, фалсафа факультети, “Фалсафа тарихи ва мантиқ” кафедрасида олиб бориладиган “Шарқ ва Ғарб фалсафа тарихини ўрганиш муаммолари” мавзусидаги тадқиқот ишлари билан мазмун ва қамров жиҳатдан боғланган. Ишнинг мавзу чегараси Мерло Понти фалсафий қарашлари билан белгиланади.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Экзистенциялизмнинг фалсафий оқим сифатидаги тараққиёти XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғарб фалсафасида чуқур ўрганила бошланди¹. Жумладан Х.Лофман, Ж.Сарокчи, П.Нойэн, Ван Нэй, Р.Болленгер, С.Грепин, Роминг, А.Гайд, Ф.Маорик, С.Виггем каби муаллифларнинг асарларида экзистенциялизмнинг асосий тушунча ва тамойиллари бу оқим вакиллариининг асарларининг фалсафий талқини берилган. Россияда эса В.Н.Кузнецов, Т.А.Сахарова, С.И.Великовский, Е.П.Кушкин, В.Е.Балахонов, Э.Саловьев, Ю.Давведов ва бошқа россиялик файласуф ва адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Мерло Понти ижодини ёритувчи россиялик тадқиқотчилар К.М.Долгов, А.Ф.Зотов, А.М.Руткевич, Ю.К.Мельвиль ва бошқаларни ишларини, тадқиқотларини, рисоаларини, мақолаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Жумладан, мазкур тадқиқотларда мутафаккирнинг дунёқараши, инсон ҳақидаги таълимоти, ижтимоий-фалсафий мероси акс этган. Биз ҳам ишимизда Мерло Понтининг фалсафий, феноменологик экзистенциализмини, “Янги онтологияси”ни,

¹ Grenier J. Albert Camus (soverirs). Paris, 1969 Helen. Gide et Camus.-La Table ronde, fev, 1960 Lottoman H. Albert Comus. Paris, 1978. Beauvoirs. De. La Forse des choses, t. 1 Paris, 1969. Jeunesse d'Albert camus-in: Hommage a Albert Comus. Paris 1967. Nquen van Huy P. La metaphysique du bonheurchez Albert Camus. Neuchatel, 1962.

эстетик қарашларини баҳоли қудрат, имкониятимиз даражасида атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишимиздан мақсад экзистенциалист-файласуф бўлган Мерло Понтининг фалсафий қарашларини атрофлича таҳлил қилиб беришдан иборат. Ушбу мақсад қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга ошади:

- Мерло Понтининг ижоди, унинг дунёқарашини шакллантиришга туртки бўлган назарий ғоялар манбалар асосида таҳлил қилинди;
- мутафаккирнинг дунёқарашига таъсир этган ҳаётий омиллар кўрсатилади;
- Мерло Понти ижодий фаолияти билан амалий ҳаётидаги фаолликнинг ўзаро таъсири очиқ берилади;
- мутафаккирнинг фалсафий қарашларида феноменология масаласи, ботиний эркинлик тўғрисидаги ғоялари таҳлил этилди;
- ва-ниҳоят, Мерло Понтининг санъат ҳақидаги таълимоти ва янги онтологияси атрофлича ёритишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти француз файласуфи Мерло Понтининг умумий дунёқараши ҳисобланади. Предметни файласуфнинг феноменологик таълимоти, янги онтологияси ва санъатга оид қарашлари ташкил қилади.

Мавзунинг янгилиги. Тадқиқот мавзусининг янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- Мерло Понтининг ижтимоий-фалсафий ғояларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниши;
- унда феноменология масаласига урғу берилиши;
- мутафаккирнинг янги онтология ҳақидаги фикрларини таҳлили;

- Мерло Понтининг фикрларини қанчалик бизнинг жамиятимиз учун тўғри келишлигини қиёсий солиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Тадқиқотнинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ғарб мутафаккирларининг экзистенциализмга оид тадқиқотлари, ҳозирги давр француз файласуфларининг асарлари, турли йилларда нашр этилган илмий монографик рисоалар ва асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг услубий асосларини объективлик, холислик, системалилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, герменевтик таҳлил, ворисийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро бирлиги, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллар ва тараққиёт ғояси ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унинг хулосаларидан мантиқий ва фалсафий тафаккурни кенгайтиришда, мустақил фикрни шакллантиришда, фалсафа тарихига бўлган ижобий муносабатни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари экзистенциализм фалсафасини илмий тадқиқ этишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, ҳозирги кунда турли таълимотларни ўрганиб, атрофлича таҳлил қилиб, замонамиз талабига биноан тўғри хулоса чиқариш ва улардан ёшларимизни илмий-маънавий дунёқарашларини кенгайтиришда, баркамол инсон қилиб етиштиришда фойдаланишда намоён бўлади.

Малакавий битирув иши натижаларининг эълон қилинганлиги. Малакавий битирув ишида баён этилган илмий-назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган жами

1 та республика илмий-назарий конференциядаги маърузада ўз аксини топган.

Малакавий битирув ишининг тузилиши ва ҳажми. Малакавий битирув иши “Кириш”, икки боб, тўрт қисм, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат бўлиб, умумий ҳажми 57 бет.

I-боб. Мерло Понти таълимотининг шаклланиши

1. Мерло Понти қарашларига Эдмунд Гуссерл феноменологиясининг таъсири

Йигирманчи асрнинг 20-йилларида Францияда экзистенциализм шакллана бошлайди. Мерло Понтининг диний экзистенциал фалсафаси ҳам шулар жумласига киради. 40-йилларда турли турдаги атеистик экзистенциализм йўналишлари ҳам пайдо бўлди. Уларнинг йирик вакиллари Жан Пол Сартр, Альбер Камю, Мерло Понти ҳисобланади. Атеистик экзистенциализм расмий университет фалсафасига муқобил таълимот бўлиб, унга қарши исён сифатида ривожланади. Экзистенциалистлар университет фалсафасини ҳаётдан ажралган мавҳум онтологик ва гносеологик муаммоларни ҳал қилишга диққатини қаратганликда айблайдилар. Уларнинг таълимотида кундалик ташвишлари билан, изтироблари билан ўралашган инсоннинг ҳаёти йўқолиб қолган. Шунингдек, университет фалсафаси идеализмга берилганликда, воқелик самовий ғояларга қоришиб кетганликда, инсон борлиғи зиддиятларини мантикий қонуниятларга бўйсиндирилганликда айбланади. Экзистенциалистлар бу танқидий муносабатни ривожлантириб, мавҳумлик билан идеализмдан воз кечадилар. Улар ўз мулоҳазаларининг асосига муайян, истак ва эҳтиросларга эга бўлган реал мавжуд инсонни қўядилар, инсон ўз даврининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Инсон нафақат фикрлайди, балки у ҳаёти йўлида пайдо бўлган муаммоларни енгиб боради, ўз омадсизликларидан чуқур изтиробга тушади. Бунда экзистенциалистларни инсон ҳаётининг фожиявий, низоли жиҳатлари ўзига жалб қилади, бу эса қўрқув, афсус, надомат, чуқур қайғу каби салбий туйғулар билан боғлиқ бўлади.

Франция XX асрнинг биринчи чорагида, биринчи жаҳон урушидан сўнг ғолиб-мустамлакачи давлатлардан бири эди. Ана шу тарихий муҳитлар экзистенциал ғояларнинг ривожига кенг йўл очиб берди. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози оқибатида мамлакатнинг оғир аҳволга тушиши, қўшни мамлакатларда ҳокимият тепасига келган фашизмнинг тазйиқи. 1940 йилда гитлерчи Германия қўшинларининг бостириб кириши ва тўрт йиллик оккупация, урушдан кейинги қайта тикланиш, мустамлакачиликнинг барҳам топиши, Вьетнам ва Алжирда олиб борилган урушлар, узоқ давр давомида АҚШ ҳукмрон доираларининг таъсири остида бўлганлиги, 1958 йил май ойидаги фашистиклар фитнаси, IV Республиканинг емирилиши, шахсий ҳокимият ҳукмронлигининг ўрнатилиши кўпгина одамларнинг елкасига ғожиавий вазиятнинг оғир юкини юклади. Ана шу кайфият экзистенциализм учун мустаҳкам замин яратди. Шунини таъкидлаш зарурки, замондошларининг ғожиавий дунё ҳиссиётини кўриб турган экзистенциалистлар инсон ҳаётини қайта кўриб чиқишга интилдилар, унда яшаш учун қувватни уйғотишни истадилар, вазиятдан чиқиб кетиш йўллариини изладилар.

XX аср бошларида Францияда Э.Гуссерл феноменологияси ёйила бошлайди. Бунда Страсбург университетининг илоҳиёт факультети катта роль ўйнади. 1925 йилда Ж.Эрен “Феноменология ва диний фалсафа” мавзусида диссертация ёқлади, 1928 йилда М.Шелернинг “Табиат ва ёқтирмақ шакллари” асари таржима қилинди, Э.Гуссерл (1929) икки маротаба феноменология ҳақида маъруза ўқиди. Буларнинг ҳаммаси феноменологияга қизиқишни янада орттирди. Феноменология турлича талқин қилинди, бу эса экзистенциал фалсафанинг асосий услубига айланди.

Шундай қилиб, ҳозир феноменологияни услуб сифатида қўлламаган экзистенциалистларни топиш мушкул. Шунингдек, тарих, социология ва адабиётшунослик соҳаларида 30-йиллардан француз экзистенциализми шакллана бошланди. Мерло Понти француз экзистенциализмининг йирик вакилларида бири ҳисобланади.

Морис Перло Понти (1908-1961 йиллар) француз экзистенциалисти ва феноменологидир. Унинг асосий асарлари – “Ахлоқ структураси” (1942), “Қабул қилиш феноменологияси” (1945), “Маъно ва бемаънолик” (1948), “Диалектиканинг саргузаштлари” (1955), “Белгилар” (1960), “Кўринар ва кўринмас” (1961) ва бошқалар феноменологик методологияга асосланиб, соф онг тушунчасини танқид қилади. Тарихий реалликни марксча таҳлиliga мойиллик билдириб, тарихни иқтисодий тушунтиришни қабул қилмайди. Мерло Понти ўзига хос “экзистенциализм фалсафаси”ни яратди. 1950 йилларда ўз таълимотини метафизик услубни сақлаб қолган экзистенциализмга қарши қўйди. Мерло Понти эркинлик ва зарурият, объект ва субъект ўртасидаги қаршиликни енгишга ҳаракат қилди. Мерло Понтининг М.Мосса ишларига мурожаат қилиши тасодифий ҳол эмас. Мосса биз универсал ва мутлақ деб ҳисоблайдиган маданий тушунчалар ва қадриятларнинг нисбийлигини аниқлаган. Ҳаётий тажрибани қабул қилиш ва баён этиш марказий муаммога айланди. Мерло-Понти фалсафаси қабул қилиш таҳлилидан кўриш таҳлиliga ва субъект ва объект ўртасидаги қарама-қаршиликни олиб ташлайдиган, қабул қилинаётган дунёнинг онтологик мавқеини қайта тиклайдиган “мавжудлик” ғоясига ўзгаради. Интенционал дунё рефлексия жараёнида пайдо бўладиган эмас, балки рефлексгача мавжуд деб тақдим этилади. “Дунё трансценденция” сифатида талқин қилинди, субъект муайян тарихий, маданий, ва ниҳоят биологик мавжудот эканлиги, унинг

маъноси шундан иборатки, субъект ўз ҳаётини бошқалар тажрибасига солиштириб кейинчалик англаб етади. Дунё “Мен” ва бошқа инсонларни, онгни ва табиатни боғловчи “орадунё” сифатида тушунилди.

Мерло-Понти фалсафаси энг аввало инсоннинг интерсубъектив тажрибаси фалсафасидир. “Тил ҳамжамиятида мавжуд тирик тил”га алоҳида аҳамият берилади. Танага ўхшаб у ўзида объект ва субъектни бирлаштиради. Мерло-Понтининг¹ фикрича, инсонлар ўртасида тилшунослик алоқаларни тадқиқ этиш ягона тарих доирасида рамзий муносабатларнинг умумий қонунини аниқлаши керак. Мерло-Понти янги қарашни таклиф этади: тадқиқотчилар ўртасида “икки маънолилик фалсафаси” номини олган сиёсатда “қабул қилишсиз, виждон эркинлигисиз”, фалсафада “истикболлар кўплиги” ва ҳоказолар. Ушбу қарашнинг ёрқин намоёнчаси Жорж Батай (1897-1962 йиллар)дир. У ўзининг бадий асарларида, адабий танқидларида, ижтимоий-сиёсий тадқиқотларида, замонавий сюрреалистик санъат тўғрисидаги чиқишларида, фалсафий ишларида мумкинлик ва ўтиш чегаралари, ушбу чегаралардан чиқиш муаммосига мурожаат қилди. Батай асарлари атрофида доим қизғин мунозаралар пайдо бўларди. М.Бланшо, М.Лейрис, М.Хайдеггер унинг тарафида бўлди, Ж.-П.Сартр² эса қарши чиқди. Даъват, интилиш-мунтазамлик ва аниқлиликка қарши равишда анъанавий тарзда ёмонлик деб қаралган, бироқ Батайнинг фикрича, айнан чегаралар на инсоний маданият ва на инсоний психология томондан аниқ белгиланмаган. Бергсон ғояларидан келиб чиқиб Батай трансгрессия муаммоси чегараларнинг ички ноаниқлиги, икки

¹ Долгов К.М. От Киркегора до Камью. Философия. Эстетика. Культура. –М. Искусство, 1990. –С. 177.

² Қаранг: Сартр Ж.-П. Бытие и Ничто. -М., 2000.

маънолилиги ва қарама-қаршилиги билан боғлиқ. Маданият чегараларни белгилайди, бу таърифга ушбу чегараларнинг бузилиши эҳтимолини ҳам қўшади.

Шундай қилиб, Мерло Понти субъект билан объектнинг чамбарчас алоқадорлиги ғоясини қаттиқ туриб ҳимоя қиларкан, олам субъект проекцияси, субъект оламини ва инсонни объективлаштиради, уларга ўзида мавжудликни нисбат беради. Фалсафада “учинчи йўл”ни тутишга уринади. Амалда эса идрокнинг бевосита маълумотларини чин реаллик деб даъво қилиш субъектив идеализмни билдиради. Бундан ташқари, Мерло Понти фалсафаси эклектикдир, у экзистенциализм билан марксизмни синтезлаштириб беришга интилади. Шунингдек, Мерло Понти ижодига феноменологик фалсафанинг таъсири кучли бўлган. Айниқса, Эдмунд Гуссерль¹ феноменологияси Мерло Понти дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

XX аср феноменологик мактабининг асосчиси бўлган Эдмунд Гуссерль 1859—1938 йилларда яшаб ижод этган. Унинг ғояларини поляк файласуфи Роман Ингардет, Элизабет Штрекер, машҳур немис экзистенциалист файласуфи Мартин Хайдеггер², унинг йўналишига яқин бўлган файласуфлар Н.Гартман, М.Шелер ҳамда француз экзистенциалист файласуфи Ж.П.Сартр ривожлантирдилар.

Гуссерль дунёқарашининг ривожини уч даврдан иборат. Гуссерль ижодининг учинчи даври унинг ижодини ўрганган файласуфлар томонидан биринчи ва иккинчи даврларга қарши қўйилади. Йена шаҳрида 1904 йилда тузилган «Академик психологик иттифок»

¹ Қаранг: Гуссерль Э. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии. -М., 1994; Феноменология. Статья в Британской энциклопедии // Логос. -М., 1991. № 1.

² Қаранг: Михайлов И. А. Был ли Хайдеггер феноменологом? // Логос. -М., 1994. № 6.

Гуссерлнинг феноменологик мактабига асос солди. Бу ерда Гуссерлнинг «Мантикий тадқиқотлар» асари кенг миқёсда муҳокама қилинди.

1910—1912 йиллар феноменология таълимотининг энг ривожланган даври ҳисобланади. Бу даврда Гуссерль феноменологиянинг моҳияти ва мазмуни ҳақида бир неча маърузалар билан чиқади¹.

Биринчи жаҳон уруши туфайли Гуссерль мактаби ўз фаолиятини тўхтатади. Уруш тугаши билан бу тўғарак Фрайбург шаҳрида қайтадан тузилиб, ўз ишини давом эттиради. Мана шу ерда бу оқимга Мартин Хайдеггер қўшилади. Бу даврга келиб феноменологияда масалалар мавзуси ўзгарди. Фалсафа ва табиий-илмий фанларнинг муносабати масаласи ўрнига феноменологиянинг руҳий фанларга бўлган муносабати ҳамда тарихийлик масалалари ўрганила бошланди. 1929—1930 йилларда Гуссерлнинг ўқитувчилик фаолиятининг тугалланиши билан феноменологик фалсафа ривожининг иккинчи даври ҳам ўз ниҳоясига етди.

1930 йилдан бошлаб Гуссерль феноменология радикал оқимининг ягона намоянчасига айланди. Ўзининг содиқ ассистентлари Ландгреб ва Финк томонидан моддий қўллаб-қувватланган Гуссерль Германияда ўз фаолиятини давом эттирди.

«Феноменология» тушунчаси Ғарбий Европа фалсафасига Гегель фалсафаси орқали кириб келди. Гегелнинг 3 жилдлик «Рух феноменологияси» ҳамда 2 жилдлик «Дин фалсафаси» асарларида бу тушунча атрофлича кўриб чиқилган.

Гегель фалсафасида бутун борлиқни яратувчи куч бу мутлақ рухдир. Мутлақ рухни ҳеч ким яратмайди. У доимо ривожланишдадир.

¹ Гуссерль Э. Парижские доклады // Логос. -М., 1991. № 2; Амстердамские доклады // Логос. -М., 1992. № 3.

Унинг ўзи яратувчи кучга эга. Гегель «Рух феноменологияси» асарида мутлақ руҳнинг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беради. Бу босқичлар энг оддийдан бошлаб, энг мураккабгача кўтарилган ривожланиш жараёнидир. Нотирик табиатда ҳам бу руҳий ривожланишнинг турли хил шакллари кўрамиз.

Тирик табиат, ўсимлик ва ҳайвонот оламида ҳам мутлақ руҳ ўзини намоиш этади. Буни биз ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ички ҳаётида кузатишимиз мумкин. Ўсимликлар ҳам табиий тартибга бўйсуниб, шу тартибга биноан ривожланади. Илм-фан тараққиётида тафаккур асосий ҳаракатлантирувчи кучдир. Лекин бу интеллектуал билимдан ташқари интуицияга асосланган билимлар ҳам мавжуддир. Бундай билимларга санъатшуносликнинг барча соҳалари киради.

Гегель онг билан тафаккурни бир-бири билан боғлайди. Инсон онгида ақл марказий ўринни эгаллайди. Демак, Гегель фалсафасида феноменология деб мутлақ руҳнинг ривожланиш жараёнлари тушунилган. Бу инсон онги ва тафаккуридир. Мутлақ руҳ ҳақида Гегель «Дин фалсафаси» асарида батафсил тўхталиб ўтади.

Феномен ва феноменология ғояларини XX аср бошларида машҳур немис файласуфи Гуссерль ўзгача ривожлантирди. У онгни феномен деб таърифлар экан, «редукция» услубини киритади. Редукция деганда онгдан ташқари бўлган барча жараёнларни чеклаб, абстракция қилиш тушунилади. Масалан, биз онгни ўрганаётганимизда инсоннинг ташқи кўриниши, танаси, ҳис-туйғулари бизни қизиқтирмайди, бу хислатларни биз ўйламай, фақат инсоннинг соф онгига ўз диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Редукцияни Гуссерль икки босқичга бўлади¹. Биринчи босқич «эйдетик редукция». Бу босқичда бутун моддий оламни ва уни ўрганувчи илмий билимларни «қавс ичига олиш», яъни ажратиб ташлаш тушунилади. Онгни ўрганишда бу билимларни эътибордан четга олиб ташлашдир. Албатта, бундай усул моддий оламни инкор қилишни англатмайди, лекин онгни ўрганиш жараёнида моддий олам ҳақидаги табиий-илмий билимлар натижаларининг таъсиридан ажратиб олишни англатади.

Редукциянинг иккинчи босқичи «соф феноменологик» ёки «трансцендентал — феноменологик» усуддир. Бу босқичда жамият, психология, маданият ҳақидаги фанларда онг ҳақидаги тушунчалар ажратиб ташланади, четлаштирилади.

Редукциянинг бу икки босқичи натижасида трансцендентал— феноменологик ҳолатга ўтилади. Шунинг натижасида бу услуб орқали онгнинг соф ҳолатини ўрганиш мумкин. Онгдан ташқаридаги моддий оламнинг борлигидан эътибор холи қилинади.

Гуссерль ўзининг «соф онг» концепциясида онгни жараён сифатида ўрганиб, уни ички моҳият қонуниятларини ўрганади, онгни макон ва замондан ташқари, тарихий бўлмаган жараён сифатида олади. Онгни соф ҳолатда ўрганиш, бу фақат онгга хос бўлган моҳиятларни очиш ва бу моҳиятларни ҳеч қандай билимга боғламасдан, соф ҳолатда ўрганишдир. Онгни бундай тушунишни услуб сифатида ривожлантирди. Соф онгни Гуссерль фикрлар оқими сифатида очиб

¹ Гуссерль Э. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии. М., 1994. —С. 58.

берди. Бу оқимдаги фикрларни «феномен» деб атади. Улар яхлитликка эга бўлиб, ягона бир тузилма сифатида олиниши керакдир¹.

Феноменолог олим онгни ўрганар экан, уни фикрлар оқимининг ичига кириб, ичидан ўрганиш лозим деб ҳисоблайди. Шунингдек, у фикрларни бир-биридан ажралган ҳолатда эмас, балки яхлит ҳолатда ва ҳаракат жараёнида ўрганади. Гуссерль онгни борлиқдан ажратиб қўйиб, ўзининг соф онг концепциясини илмий бўлмаган, инъикос хусусиятига эга бўлмаган, феноменологик таълимот сифатида ўрганади. Бундай соф онгни фақат феноменолог олим ўзининг ақлнй интуицияси орқали ўрганади. Бу интуиция унга фикрларни бир-бирига бирлаштириш, синтезлаш қобилиятини беради. Бу ерда Гуссерль ақлий интуиция тушунчасини киритади. Уни илоҳий ҳис-туйғудан ажратади, бу интуиция ақлнинг маҳсули бўлган ғайритабиий, моҳиятбанд жараёндир. Фанда анализ қилиш ўрнига, Гуссерль ўз феноменологиясида фикрларни бирлаштириш ва оқим сифатида ўрганиш усулини киритди. Лекин фаннинг тушунчалари моддий борлиқни акс эттирса, феноменлар, фикрлар фақат онгнинг борлиғини акс эттиради, фақат унинг қонуниятларини очиб беради.

Гуссерль соф онгнинг моҳиятини трансцендентал деб атайди², лекин бу илоҳийлаштиришнинг илоҳий онгга, дунёвий онгга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Гуссерль фалсафасида аслида инсон онгининг соф моҳияти назарда тутилади. Бу онг Худонинг онгига, дунёвий онгга ҳеч қандай даҳли йўқдир. Шунинг учун ҳам Гуссерлдаги интуиция бу илоҳий ҳис-туйғу, қалб овози эмас, балки ақл овозидир.

¹ Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қобулнӣёзова Г., Рузматова Г. Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 257.

² Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қобулнӣёзова Г., Рузматова Г. Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 258.

Гуссерль фикрича, онг мураккаб тузилма бўлиб, унинг марказида ақл жойлашади. Ақлнинг ёрқин нурлари онгнинг барча хилватларини ёритиб туради. Онг учун ақл бу ягона ва энг ёрқин қуёшдир. Ақл нурларида фикр оқими жилваланади. Фикр оқимиға 4 хусусият хосдир:

1. Фикрлар гўзаллиги ва мукаммаллиги.
2. Фикрларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро ҳамкорлиги.
3. Фикрларнинг моҳияти ва уларни мантикий тушунчалар орқали акс этгирилиши.
4. Бу фикрлар оқимини ўрганувчи феноменолог олимнинг ҳис-туйғулари. Бу ҳис-туйғуларнинг фикрлар оқимиға таъсир қилиши.

Фикрлар оқимида ҳар бир конкрет фикр моддий оламдаги нарсаларни акс эттириши ёки эттирмаслиги аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун Гуссерль фикрларнинг ўзини «ноэма» деб атайдиган. «Ноэма» ном деган маънони англатади. Мана шу номлар нимани билдириши аҳамиятга эга эмас. Ундан ташқари, «Ноэс» тушунчасини ҳам киритди. «Ноэс» деб Гуссерль феноменолог олимнинг фикр жараёнини ўрганишдаги ҳиссиётларини айтади.

Феноменолог олимнинг ҳиссиётлари ақл жараёнига боғлиқ ва ақлий ҳиссиётлардир. Оддий инсоннинг ҳиссиётлари эса моддий борлиққа боғлиқ бўлиб, жисмоний характерга эга. Натижада онг жараёни Гуссерль фалсафасида моддий борлиқдан ажралиб қолиб, сунъий қобик ичида қолиб кетади. Гуссерль «Картезиан мушоҳадалар» асарида Декартни танқид қилади, чунки у «универсал» фан дедуктив тизимини табиий шакл сифатида талқин қилади. Фан асоси аксиома шаклида билимлар асосида ётади, дейди. Шунинг учун ҳам мутлақ фанни реал фанлардан ажратиш олиб мавҳумлаштириб бўлмайди. Лекин бу бизни фанга «кириш» келишимизга тўсқинлик қила олмайди. Агар

биз фанга аста-секин «кириб» борсак, бизга фаннинг мақсадий ғоялари очилади.

Илмий фаолият асосида нима ётади? Аввало, фан «ҳукмлар боғлами» сифатида намоён бўлади, бир ҳукм тўғрилигига ишонч», иккинчи ҳукм тўғрилигига ҳам «ишонишга» олиб келади. Бошқача айтганда, фаннинг ўзи «асослаш фаолиятига» олиб келади. «Асослаш фаолияти»нинг мазмуни шундан иборатки, олим ундан ҳукм чиқариш учун фойдаланмайди, балки асослаш учун фойдаланади¹. Ўз илмий билимлар фундаментини мустаҳкам бўлиши учун, ҳар қандай вазиятда уни исботлай олиш учун, оқлай олиш учун бу услуб қўл келади. Олий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Шундай қилиб, Гуссерль фикрича, «субъективлик» бу идеал равишда мавҳумлаштирилган ижтимоий билимдир. Бундай субъект фақат назарий билинаётган фикрлар ҳаракатида мавжуд бўлади, унинг ўзи назарий идеал, модел сифатида намоён бўлади. Реал индивидларнинг ўрнини алмаштиради, умумий кўринишда тадқиқот фаолиятининг чегараларини кўрсатиб беради. Кейинчалик Гуссерль бу йўналишдан чекиниб, «ҳаётий дунё»га қайтади. Демак, Гуссерлнинг «феноменологик» фалсафаси XX асрнинг ўрталаридан бошлаб турли файласуфлар томонидан ўзига хос равишда ривожлантирилди, фан тараққиётида маълум маънода аҳамият касб этди. Бунга мисол қилиб Мерло Понти таълимотини ҳам олишимиз мумкин. Демак, олим қўллаган феноменологик методнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат: биринчидан, феноменологик редукция, яъни объектив реалликка оид ва “соф” (яъни субъектни) тажриба чегарасидан

¹ Гуссерль Э. Логические исследования. Т. 1 // Гуссерль Э. Философия как строгая наука. -Новочеркасск, 1994. –С. 98.

чиқадиган ҳар қандай муҳокамалардан сақланиш; иккинчидан, трансцендентал редукция, яъни билиш субъектининг ўзини реал, эмпирик, ижтимоий ва психофизиологик вужуд деб эмас, балки “соф”, трансцендентал онг деб қарашдан иборат.

2. Мерло Понти томонидан “метафизик” услубнинг ишлаб

чиқирилиши

Замонавий француз файласуфларининг ичида Моррис Мерло Понти фалсафаси алоҳида ўрин тутди. Уларнинг дунёқарашига Мерло Понти катта таъсир кўрсатган¹. Мерло Понтининг фалсафий қарашлари ўзига хос аҳамиятга эга. Файласуфнинг позицияси антидиалектик ва антиматериалистик характерга эга. Бошқа файласуфлардан фарқли равишда “Диалектика срагузаштлари” номли асарни ёзди². Бу асарда файласуф феноменологиянинг назарий ва амалий камчиликларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Дастлаб у диалектика ва материализмнинг бир-бирига мос келмаслигини исботлашга уринади: “Агар табиат табиат бўлса, яъни ўз-ўзига ва бизга нисбатан, унда диалектикага тааллуқли бўлган муносабатларни ҳам, сифатларни ҳам учратиб бўлмайди”³. Бундай таъкид софистикага олиб келади. Мерло Понти ўз-ўзидан маълум бўлган нарсани исбот қилиш зарурати йўқ деб ҳисоблайди. Чунки табиат инсонларга нисбатан, ўзига нисбатан ҳам ташқарида жойлашган.

Мерло Понти ўз олдига онг ва табиат ўртасидаги органик, психологик ва ижтимоий алоқани тушуниш вазифасини қўяди.

¹ Долгов К.М. От Киркегора до Камью. Философия. Эстетика. Культура. –М. Искусство, 1990. –С. 166.

² Ўша ерда. –Б. 176.

³ Мерло-Понти М. В защиту философии. -М., 1996. –С. 167.

Фалсафанинг дастлабки тушунчаси сифатида феноменни олади. Феноменни у субъект ва объект муносабатлари ўртасидаги нейтрал ҳолат деб тушунади. Феномен – рухий ва жисмоний, онг ва тана, экзистенция ва трансценденциядир. Мерло Понти хулқ ва тузилма тушунчаларини ҳам нейтрал деб талқин қилади. Тафаккурнинг асосий вазифаси унинг фикрига кўра, дастлабки реаллик сифатида “феноменал майдон”ни аниқлашдан иборат. “Рефлексия, - деб ёзади Мерло Понти, - ўз-ўзидан ташқарига чиқмаса, ўзини иррефлексив-рефлексия сифатида англамаса, асл рефлексия эмас, демакки, у бизнинг мавжудлигимиз тузилмасини ўзгартира олиши керак”¹. Шундай қилиб, гуссерлча соф моҳиятлар ҳақидаги таълимотга қўшилган ҳолда, Мерло Понти уларни фалсафанинг ҳақиқий объекти сифатида тушунишни эмас, балки “феноменал майдон”да мужассамлашган, зарурий ўрта мавжудлик воситаси сифатида қабул қилишни талаб қилади. Файласуфнинг фикрига кўра, “Гуссерль охирги сўзида феноменга қайтиб, фалсафа билан орани очиқ қилишни истаган”².

Мерло Понти “феноменал майдон”нинг бўлинмас яхлит намоёни сифатида қабул қилишни олади. Унинг фикрига кўра, “дастлабки қабул қилиш нететик”³, яъни объектгача, онгача бўлган тажрибадир ... Дастлабки майдоннинг ҳар бир нуқтасидан интенциялар чиқади, улар бўш, лекин аниқ; ана шу интенцияларни амалга ошириб, таҳлил феномен сифатида фан объектигача, ҳиссиётгача, соф субъектгача

¹ Мерло Понти М. Феноменология восприятия. –Париж, 1967. –С. 76

² Ўша ерда. –Б. 61.

³ Нететик – унга кўра, объект ва субъект ўртасидаги фарқ бўлмайди.

боради, бу биринчисига ҳам, иккинчисига ҳам тааллуқли бўлади. Ана шу уч термин дастлабки тажриба пойида ётади”¹.

Мерло-Понтининг қабул қилиш концепциясига психологиянинг таъсири кучли. Психология намояндаларининг тадқиқотларига суяниб, мутафаккир ҳақиқий реалликни мураккаб ва яхлитлик ташкил қилади, оддийлик ва қисм эса уларнинг элементлари ҳисобланади. Бу элементлар фақат мавҳумликда мустақил борлиққа айланади. Масалан, бундай мавҳумликка амалиётчи-психологлар “аналитик мулоҳаза” орқали мураккабликни оддий тушунтириш учун мурожаат қилади. Мерло Понтининг фикрига кўра, қабул қилиш бу психологик реалликдир. Ана шу реалликдан у жуда кенг умумий гносеологик ва онтологик тизимларни келтириб чиқаради. Бу билан файласуф экзистенциал иррационализмни янгитдан асослайди. Фан бевосита тажрибанинг деградацияси сифатида пайдо бўлган деб ҳисоблайди. “Мен фан орқали дунё ҳақида нимани билсам, - деб ёзади Мерло Понти, - ўз нуқтаи назаримга кўра ва ўз тажрибамга кўра биламан. Уларсиз фаннинг белгилари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Бутун фан борлиғи яшаб ўтилган дунё асосида ташкиллаштирилган. Агар биз фан ҳақида қатъий фикр юритишни истасак, унинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини билишга интилсак, дастлаб дунё тажрибасини уйғотишга тўғри келади. У иккиламчи хусусиятга эга”². Дастлабки кундалик тажрибани Мерло Понти ҳақиқат даражасига кўтариб юборади. Фаннинг чуқурлашишини у реалликдан узоқлашиш деб тушунади. “Нарсаларнинг табиатига қайтиш, - деб ёзади файласуф, - бу билимгача

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 279.

² Ўша ерда. –Б. II-III.

бўлган дунёга қайтишни англатади, билим ҳар доим гапирадиган дунё илмий детерминация орқали мавҳумлашган, белгили мазмунга эга...”¹.

Феноменология Мерло Понти таълимотида, кундалик ҳаётда бизни ўраб турган нарсаларни улар бизга қай тарзда намоён бўлса, шундайлигича қабул қилишга ундайди. Масалан, қалам ёрдамида ёзамиз. Демак, феноменологик нуқтаи назардан буюм ундан қандай фойдаланишга кўра таърифланади. Феноменологик танқид фикрича, қаламни атомларнинг муайян йиғиндиси деб тушуниш хатодир. Шу жиҳатдан феноменология дунёни бутун ранг-баранглиги, бутун сифатлари билан қайта тузишга интилади, деб тушунишимиз мумкин. Бу оқим илмий онтологияга асосланган бир ўлчамли стандартлаштиришга, яъни табиий фанларгина буюмларни аслида қандай бўлса, шундай шарҳлайди, деб ҳисоблайдиган назарияга қаршидир.

Бу ўринда биз таҳлилий фалсафадаги тил машқларига ўхшаш ҳолатларни кузатамиз. Яъни, турли лингвистик контекстлар ранг-баранглиги тўғрисидаги қарашлар фақат фан тушунчалари тўғрилиги тўғрисидаги тасаввурни рад этади. Лингвистик мазмун контекстга қараб белигиланади. Бироқ, феноменологик таърифларда тил эмас, балки ҳодисалар марказий ўрин тутати. Бироқ феноменологияда ҳам табиий илмий тушунчалардан фойдаланишгина тўғри деб ҳисобланадиган мутлақ нуқтаи назар танқид остига олинади. Айни пайтда шуни қайд этиш лозимки, таҳлилий фалсафа ҳам, феноменология ҳам табиий фанларга қарши эмас. Улар фақат табиий-илмий тушунчалар билан қамраб олиниши мумкин бўлган фалсафий назариянигина танқид қилади.

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. III.

Феноменология кўпинча оддий воқеаларни таърифлайди: дон янчиш, от тақасини қоқиш, хат ёзиш. Булар ҳақида ҳаётӣ олам (Lebenswelt) ҳақидаги каби фикр юритади. Яъни биз яшаётган олам ундаги кундалик буюмлар ва фикрлар, ҳидисалар (феноменлар) ҳамда лингвистик ифодалар кўзда тутилади. Демак, тилдан фойдаланувчилар каби фойдаланилган тил ҳаётӣ дунёнинг бир қисмини ташкил этади.

Феноменология ҳаётӣ дунёни, Мерло Понти фикрига кўра, илмий тасаввурнинг муқобили сифатидагина илгари сурмайди. Ҳаётӣ дунё эпистемологик устиворликка эга. Фанлар айнаи ҳаётӣ дунё туфайли юзага келган. Улар тарихан ҳаётӣ дунёдан фарқли пайдо бўлган фикр нотўғри. Айнан у трансцендентал маънода илмий фаолиятга имкон яратади.

Демак, феноменология, масалан, Мерло Понтида, Европа илмий тараққиётининг давомчиси бўлиб, унда фалсафа худди фан каби оқилоналикни мақсад қилиб кўзлайди. Феноменология эса илм-фаннинг базис муаммоларини ёритиш ва тушунтириш билан шуғулланади. Агар Мерло Понти таърифидан фойдаланиладиган бўлса, “трансцендентал феноменология”, бошқача айтганда “фалсафа жиддий фан сифатида” илм-фанны “Европа фанлари таназзули” шароитида қўллаб-қувватлайди. Феноменологиянинг фандаги илмий жиҳатларни сақлаб қолишга йўналтирилган ҳаракатлари ҳаётӣ дунёни кашф этиш ва батафсил ўрганиш, уни фанлар моҳиятининг асоси ва тафаккурга ички интилиш (telos) сифатида изоҳлашдан иборат.

Феноменология, юқорида таъкидланганидек, нафақат ҳолатларни, яъни кундалик буюмларни, балки кишиларнинг истак-хоҳишларини турли контекстда қандай намоён бўлса, шундайлигича изоҳлайди. Феноменология индивиднинг ички кечинмаларини шеърӣ тарзда изоҳлаш билан шуғулланмайди. Унинг чуқур маъноси ҳаётӣ дунё

шартларини, шу орқали унинг мавжудлигини таъминлашдан иборат. Яъни унинг борлигини таъминловчи туб шартларни аниқлашдан иборат. Яна бир бор шахмат ўйинига солиштиринг: шахмат қоидалари турли кучли ва кучсиз юришлар моҳиятини ташкил этади. Бу ерда лингвистик таҳлилдаги каби муайян трансцендентал-прагматик асослаш мавжуд. Қайд этиш мумкинки, бу турдаги трансцендентал фалсафа тил-амалиёт яхлитлиги учун кўпроқ ёки камроқ даражада ўзгарувчан омилларни талаб этади. Шуниси билан у Кантнинг битта субъектни талаб этувчи фалсафасидан ажралиб туради.

Ҳаётий дунё таркибини изоҳлаш муайян эпистемологик мақсадга эга. Бунда ҳаётий дунёнинг амалий табиатга эгаллиги, унинг мақсадга йўналтирилган вазифа ва хатти-ҳаракат меъёрлари орқали намоён бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли эпистемологик муаммолар хатти-ҳаракатлар пассив ҳиссий тажриба контекстида (вазифалар, меҳнат, ўзаро таъсир) муҳокама қилинади. Қилаётган ишни билиш фундаментал маънода изоҳланади. У фақат ҳиссий таассуротларга тенглаштирилиши мумкин эмас. Масалан, ўтин ёрар эканман, мен ҳиссий тарзда нима қилаётганимни биламан. Яъни, мен қўлимнинг ҳаракати ҳақидаги тассавурим унга фақат ташқаридан қараб, уни нима қилаётганини англашдан иборат бўлмайди. Албатта, ўтин ёришда қўлимга қарайман, лекин қўлимни ташқаридан кузатиш ҳаракат контекстининг бир қисмидир, бунда қўл ҳаракатини англаш мен уни ташқи бир объект сифатида кузатишимдан фарқ қилади.

Феноменологиянинг ибтидоси пассив ҳиссий таассуротлар ёки соф тафаккурдан эмас, эпистемологик тарзда хатти-ҳаракатимиздан бошлангани унда объект ва субъект ўртасидаги боғлиқлик нарсаларни аниқлаш ва индивиднинг ўзига ўхшашлиги билан боғланиб кетганини англатади. Амалиётчи сифатида одам фаолиятда бевосита иштирок

этади. Бу ерда объект ва субъектга мутлақ бўлиниш йўқ. Ходисалар муайян вазиятда ўзини қай тарзда намоён қилса, шундайдир. Ҳаракат вақти мобайнида айнан фаолият кўрсатаётган одамнинг онги узлуксизлик ва ўзига ўхшашликни таъминлайди. Буюмлар муаммоси ташқи олам, “моддий субстанция” ва субъект (Беркли ва Юм таълимотидаги “ментал субстанция”) билан солиштирилади.

Шундай қилиб, хулоса қиламиз. Ҳаракат таърифидан бошланадиган феноменологик таърифлар ижтимоий фанлар ва улардаги принципиал мунозаралар нуқтаи назаридан қизиқарлидир. Хатти-ҳаракат тушунчаси ва у билан боғлиқ ҳаракатланаётган одам, ҳамкор ва ҳаракат объекти мақсади тушунчаларига асосланган ҳаётий контекстларнинг феноменологик таҳлилида ҳаракатланаётган одам томонидан қўлланиладиган категориялар ёрдамида ифодаланиладиган фаолият соҳалари асосий деб ҳисобланади. Шу тариқа, феноменология ижтимоий тадқиқотлардаги тушуниш ёндашуви билан боғлиқ бўлиб, тушунтириш ёндашувига зиддир. Феноменологик таҳлил тил машқлари асосида жамият таҳлиliga ҳам мосдир.

Айтилганидек, феноменология кўпроқ даражада нафақат таърифланган вазиятларни, балки унинг мазмунини ташкил этувчи элементларни излаб топишга интилади. Шу туфайли ҳар қандай пайтда мантиқий тафаккурнинг қай даражасида эканлигимизни англаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Сартр “Борлиқ ва Йўқлик” асарида эрк ҳақида фикр юритар экан, у эрkning конституцияловчи маъносини кўзда тутди. Эркинлик хатти-ҳаракат учун зарур логистик мақомга эга: ҳаракат қилмоқ дегани у ёки бу маънода мақсадли ҳаракатни англатади. Ҳаракат шуни тақозо қиладики, биз вазиятни боридан кўра бошқача бўлиши мумкинлигини кўрамиз, унинг муқобили ҳам мавжуд, муқобил бўлганда ҳам ижобий муқобил ва биз уни ҳаракатларнинг махсус

узвийлиги ёрдамида амалга оширишимиз мумкин. Бошқача айтганда, ҳаракат мавжуд борликдан устун бўлиб, у бошқача ҳолатдаги мавжудликдан устундир. Бу маънода тахминий нарса мавжуд нарсадан устивордир. Тахминий нарса – бу ҳали ҳақиқий бўлмаган нарсадир, бироқ у ҳаракат ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Агар биз интилишимиз самараси ўлароқ атрофимиздаги вазият у ёки бу жиҳатдан бошқача бўлиши мумкинлигини билсак, биз ҳаракатланишга қодир бўлмаймиз. Мавжуд нарсани рад этиш эҳтимоли озодликни ҳаракат шарти, деб белгилайди. Озодлик, шу тарзда ҳаракатни белгилайди. Шу маънода ҳаракатланишнинг зарур шарти озодликдир.

Биринчи бобга хулоса қиламиз

Француз экзистенциализми тарихида Мерло Понти таълимоти ўзига хос ўрин тутади.

Умумий экзистенциал фалсафа асосига, бошқа экзистенциалистларга қараганда катта ўзгаришлар киритди.

Феноменологияни танқидий ўрганиб, янгича ёндашувни таклиф қилди. Унинг феноменологияси экзистенциализм даражасида қолди. Лекин Мерло Понти бу ҳолатдан унча қониқмади.

Шунинг учун ҳам унинг фалсафаси кейинчалик экзистенциядан объектив борлиқ томон ўтди, феноменологиядан метафизикага қараб йўналиш олди.

Воқеаларни бундай кечиши, йирик вакиллар томонидан феноменология ва экзистенциализмнинг ичидан танқид қилинишини кўрсатади.

II-боб. Мерло Понтининг феноменологик концепцияси

1. Мерло Понти “янги онтология”сининг интерсубъектив мазмуни

Мерло Понти универсал онтология фалсафасини яратишни истайди. У ўзида материализм ва идеализмни, объективизм ва субъективизмни, рационализм ва иррационализмни, метафизика ва диалектикани енгиб ўтиб, субъект ва объект, мазмун ва моҳият, борлиқ ва ноборлиқ, билим ва эътиқод, нарса ва унинг тимсоли ўртасидаги фарқни ечишга қодир бўлсин. Унинг фикрига кўра, фалсафа фан эмас, “фалсафа қабул қилинувчи эътиқодни саволга тутати, фалсафа ўз-ўзини саволга тутати”¹. Мерло Понти янги онтологияни савол берувчи таълимот сифатида тасаввур қилади. У дунё ҳақида, инсон ҳақида, фикр ҳақида савол қўяди. Булар мазмуннинг туғилишига олиб келади.

Агар фалсафа фан бўлмаса, унда табиий равишда, савол қўйиш экзистенциал феноменологиянинг мавжуд бўлиш шаклига айланади, у билиш усули бўлмайди. Бунда билишнинг мантикий, гносеологик ўрни ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунда “савол қўювчи фалсафа” инсонни дунёга ёки ўз-ўзига бўлган муносабатини англатиши мумкинми?

Мерло Понти замонавий ҳам ўтмиш фалсафани қайта кўриб чиқиш мақсадини қўяди. У ана шу қайта баҳолаш антиматериалистик ва антидиалектик асосда бўлади. Файласуф бунда Э.Гуссерлнинг сўнгги ижоди, Ф.Ницше, М.Хайдеггернинг ғояларига таянади. Улар материализм, диалектика ва гуманизм чегараларини қатъий аниқлаганлар. Масалан, И.Кант ва Р.Дэкарт ҳақида мулоҳаза юритиб

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 172.

Мерло Понти, уларни ўзига хос талқин қилади: “Кант ва Декартнинг таҳлилига кўра, дунё чекли ҳам, чексиз ҳам эмас, дунё номаълум, у инсоний тажриба маҳсули сифатида тафаккурланади, чексиз Борлиқнинг чекланган тафаккурда намоёни бўлади”¹. Буюк мутафаккирларнинг таълимоти бундай таҳлили нафақат материализм ва диалектика элементларидан халос қилади, балки муаммонинг ўзини кун тартибидан олиб ташлайди.

Агар “савол берувчи фалсафа” билан Гуссерль фалсафасининг алоқаси ҳақида гапирилганда, ҳаётий дунё (*Lebenswelt*) категорияси фаол ишлатилади. Янги фалсафанинг асосий мақсади ўзидаги борлиқдан, объектив ва чексиз Борлиққа, ҳаётий дунёга (*Lebenswelt*) ўтишдан иборат бўлади.

Бу ўтиш инсон танасида мужассамлашган субъективлик муносабатидан ташқарида амалга ошмайди. Шу муносабат билан субъект-объект масаласи психофизик даражага туширилиб, субъект психофизикаси сифатида ҳал қилинади. Бу муносабат ташқаридан табиий кўринади. Табиат ва у ҳақидаги мулоҳаза мантиқдан аввал келади. Психофизиологик субъект мулоҳазаси рефлексия, онглаш, тафаккурлаш сифатида амалга ошади. Бу аслида анъанавий картезианчиликка қарши йўналтирилган. Мерло Понтининг таъкидига кўра, “ҳақиқатни тарихийлик қобиғига яширинган “органик тарихни” очиш керак. Бу Декарт томонидан фаннинг чексиз горизонти сифатида эълон қилинган”².

Ҳақиқат борлиқнинг акс этишигина бўлиб қолмай, балки субъектнинг билиши, амалиёти, маданиятининг кўшилиши

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 173.

² Ўша ерда. –Б. 173.

натижасидир. Воқеликни тўғри акс эттиришда инсон меъёрини билиш жуда катта аҳамиятга эга. Инсон меъёри эса унинг ижодий эркинлиги билан белгиланади. Инсон билимларининг воқеликка мос келиши тўғрисидаги масалани ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди. Бу фалсафий фикрнинг эришган ютуғи бўлиб, ҳақиқатни яхлит шаклда ифода этади. Воқеликнинг инсон билимларига мос келиши ибораси турлича талқин қилингани ҳам маълум. Ҳақиқат воқеликка мос келишининг икки шакли: ҳиссий ва ақлий босқичлари: бу билимлар асосида предмет ва тушунчаларни ижод қилувчи, уларни ривожлантирувчи инсон объекти ётганини ҳеч эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун тушунча вазифасини бажарувчи фикрлар билимни акс эттириш учунгина эмас, балки системалаштириш муаммоларини расмийлаштириш учун ҳам хизмат қилади.

Бу маънода Хайдеггернинг “Ҳақиқий борлиқ ва ҳақиқат бир-бири билан икки жиҳатдан мослашади (мувофиқлашади): биринчидан, улар тўғрисидаги нарсалар предметларга мувофиқлашади ва, иккинчидан, муҳокамадаги фикрлар нарсаларга мос келади”¹, - деган фикри ҳақиқатнинг моҳиятини очишда катта аҳамиятга эга.

Бунинг маъноси шуки, фикрлар нарсаларга, нарсалар фикрга мос келади. Бу ерда нима учун муаммо шундай қўйилган? Инсондаги фикрларнинг асоси, табиати, генезиси нимада? Нима учун субъект воқеликни умумлаштиради, уни тушунади? Предметлар, ҳодисалар моҳиятига мос келмаган томонини қандай акс эттиради? Бу моҳият эътибори билан, юқорида айтилганидек, объектнинг субъектга, субъектнинг объектга бўлган муносабатидир. Хайдеггер, “Ҳақиқатнинг моҳияти эркинликдадир”, - дейди. Бу билан у инсон билишининг

¹ Хайдеггер М. О сущности истины // Философские науки. -1989. – 4-сон. –С. 94.

имкониятлари доим ҳақиқатни излашга, унинг турли томонини топишга қаратилганини кўрсатади.

Феноменологик қабул қилиш, бевосита берилганликни, билишнинг ҳиссий даражасини мутлақлаштиради, ҳақиқатга ҳиссиёт орқали эришишга интилади. Фалсафа санъат сифатида кўрилади. “Менинг нуқтаи назарим: фалсафа санъат асари сифатида ... объект ўз мазмунига тарихий негизидан ташқарида эга бўлади, ана шу контекстдан ташқарида аҳамиятга эга”¹.

Хўш, бу таълимот олға сураётган асосий концептуал ғоялар нималардан иборат эди?

Бундай асосий тамойиллардан бири инсон борлигини ўрганиш орқали оламни билиш ғоясидир. Бошқача айтганда, бу таълимот оламнинг ҳақиқий манзарасини билмоқ учун аввало инсоннинг моҳиятини билмоқ даркор, деган ғояни илгари суради. Бундай ғояни дастлаб немис экзистенциализмининг асосчиси Мартин Хайдеггер “Борлиқ ва замон” (1927) асарида асослаб берган.

Унинг фикрича, экзистенциал онтологияни билишнинг бирламчи асоси инсон борлиғидир. Ушбу борлиқ шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўринишларини, балки ўз ўзини билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шакллари билан турли муносабатлар ўрнатиш қобилиятига ҳам эга. Худди шунинг учун бундай борлиқ, яъни экзистенция билишнинг пойдевори бўлмоғи даркор.

Яна бир немис файласуфи Мерло Понти М.Хайдеггернинг борлиқ тўғрисидаги юқоридаги фикрларига асосланган ҳолда, янги талқиндаги онтологик таълимот яратди. Мазкур олимларнинг инсон

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 174

борлиғи тўғрисидаги қарашларини француз файласуфи Ж.П.Сартр “янги онтология”сини янги далиллар билан бойитди. Лекин Мерло Понти ва Хайдеггер қарашлари орасида айрим тафовутлар ҳам бор эди. Хусусан, Мерло Понти инсоний борлиқ ҳақида фикр юритганда, асосий эътиборни индивидуал танловга, киши масъулиятига, ҳар бир шахснинг ўзига хос “Мен”ини топишга қаратади. Шунингдек, Мерло Понти инсон оламининг моҳияти, унинг бошқа борлиқ шакллари билан алоқадорлигини ҳамиша назарда тутди. Хайдеггер эса ундан фарқли ўлароқ, бутун эътиборини инсон борлиғини ўрганиш орқали оламнинг моҳиятини очиб беришга қаратади.

Мартин Хайдеггер ва Мерло Понтининг фикрига кўра, инсон экзистенциясининг моҳиятини аниқлаш натижасида унинг нималарга қодир эканини билиб олиш мумкин. Шунингдек, бу йўл билан инсониятни унинг боши узра хавф солиб турган турли даҳшатлардан, айниқса, ўз борлиғини унутиш фожиасидан асраб қолиш мумкин. Ўз борлиғини, яъни ўзлигини унутган кимсалар, табиат бойликларидан фойдалана туриб, инсон ва табиат аслида бир бутун ва яхлит нарса эканини унутиб қўяди. Бошқа бировлар эса инсон борлиғи олий даражадаги қадрият эканини эсдан чиқариб, ундан фақат восита ва омил сифатида фойдаланишга уринади.

Экзистенциализм таълимотига кўра, инсоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ўзини ўзи яратади, мавжуд бўлиб, ўз моҳиятини бунёд этади. Экзистенциализмнинг биринчи қоидаси айнан шундан иборатдир.

Шу маънода улар инсон борлиғини «экзистенция» деб атадилар. Инсоннинг мавжудлиги билан ҳаётнинг моҳияти очилмайди. Шунинг учун ҳам биз инсон борлиғининг моҳияти нимада, деган саволни ўртага

ташлай олмаймиз. Инсон ҳаётининг мавжудлиги, моҳияти, мазмуни биз учун сир бўлиб қолаверади. Шу ўринда нега деган савол туғилади?

Бу саволга жавобни экзистенциализм вакиллари инсоннинг бегоналашуvidан ахтарадилар. Дастлаб, инсон табиат қўйнида яшар экан, уни ўзидан ажратмайди ва табиатнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Лекин кўхна ўтмишнинг бу даври узоққа чўзилмайди. Чунки, инсон тафаккури тараққиёти сунъий табиат яратиб, ўзини табиатдан ажрата бошлайди. Бундай бегоналашиш жараёни эса хусусий мулкнинг шаклланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши натижасида ниҳоятда тез суратлар билан кучайиб бори. Шу маънода инсон ақли яратган фан ва унинг ютуғи бўлган техника бегоналашиш жараёнининг кучайишига олиб келганлигини экзистенциализм вакиллари алоҳида кўрсатиб ўтадилар. Бунда қачонлардир ягона бўлган одамзод миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлиниб, натижада инсонни бошқалар билан муносабати ҳам кишилик жамиятида эса ўзаро қардошлик алоқаларида ҳам бегоналашиш жараёни содир бўлди. Буни экзистенциалистлар бегоналашишнинг иккинчи босқичи сифатида эътироф этадилар.

Экзистенциалистлар фикрича, бегоналашиш жараёнининг учинчи босқичи ҳозирги замонда давом этмоқда. Бу босқичда инсон ўзининг ички оламини, ўзининг ҳаётдан, мазмунидан ҳам бегоналашиб қолмоқда.

Инсон ўзининг ботиний табиатини йўқотиб, фақат зоҳирий табиатда яшаб, унга мослашиб бормоқда. Инсон тобора ўзининг ички ҳиссиётларини йўқотиб жамият машинасининг бир мурувватига айланиб қолмоқда.

Демак, экзистенциалистлар фикрича, инсон жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб боради. Бу хилма-хил ниқоблар ортида

инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин? Бу қиёфа заминида ётган инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенциалистларни ниҳоятда қизиқтириб келди. Экзистенциализм фалсафаси инсон ўз ҳаётининг моҳиятини ва маъносини англаши учун у эркинликка ва эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари сурди. Лекин инсон бу эркинликни суистеъмол қилиб, билим мевасидан татиб кўрди ва шу билан гуноҳкор бандага айланди. Унинг гуноҳи билимга эга эканлигидир. Шу билим орқали инсон ўзининг фожиасига ўзи сабаб бўлади.

Демак, инсон ҳаёт моҳиятини билишга эмас, балки шу ҳаётда яшаш, мавжуд бўлишга интилиши керак. Борлиқдаги барча жараёнлар Мерло Понти таълимотига кўра, «нарсა ўзида» бўлиб қолаверади ва биз уларнинг сирини очолмаймиз. Ҳатто, илм фан ҳам нарса ва ходисаларни фақат юзаки ходиса сифатида ўрганади. Уларни ҳаракатга келтирувчи бирламчи кучларни ва бирламчи сабабларни метафизика, деб атаб, назарга илмаган ҳолатлар ҳам учраб турди. Натижада оламдаги барча воқеа ходисалар инсон томонидан сир, махфий «шифр»ларга айланиб қолди. Бу сирлар, махфий шифрлар ичида инсоннинг ўзи ҳам бир катта сир бўлиб қолди. Бундай сир-синоатни экзистенциалистларнинг баъзи вакиллари ўзларининг мажозий образлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилди. Масалан, Мерло Понти фикрича, инсонга ёрдам берувчи воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади.

Ижод қилиш, янгилик яратиш инсон табиатидаги энг катта мўъжизадир. Инсон жамиятда ўз ўрнини топа олмаса, бу ижодкорлик кучини юзага чиқара олмайди. Унинг қалбида яшириниб ётган зиё, худди денгиз тубида яшириниб ётган марвариддай ўз нуруни ҳеч кимга

ёғдира олмайди. Инсон қалби яширин қолар экан, ундаги нур ҳам хиралашади. Қалби яширин инсондан ташкил топган жамият эса ёпиқ жамиятга айланиб қолади. Бундай жамиятда инсон ижод қилишдан маҳрумдир. У фақат моддий манфаатларга интилиб яшайди. Унинг моддий манфаатлари ва эҳтиёжлари бирин–кетин пайдо бўлиб, ҳеч вақт тугамайди. Бу манфаатлар кетидан интилган шахс ҳеч вақт ўз мақсадига эриша олмайди”¹.

Экзистенциал файласуфлар фикрича, ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини тобора йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада инсон ҳаётдан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамнинг онги дастурлаштирилган машинага, компьютерга ўхшаб қолади. Инсон ҳам компьютерга ўхшаб, ички беғубор ҳиссиётларидан маҳрум бўлиб қолади. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Йўрғакдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамлар ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин.

Экзистенциализм инсон ўлим хавфи туфайли ҳаётнинг маъно мазмуни ҳақида ўйлашга мажбур бўлади, дея таълим беради. Бу таълимот вакиллари ҳаёт ва мамот ўртасидаги ана шундай вазиятни чуқур ҳис этдилар. Улар яратган адабий қаҳрамонлар айнан ана шундай вазиятларга тушиб қолади. Юқоридаги муаммоларини ҳал этишда улар тараққиётга интилиш ғоясини илгари сурадилар.

Экзистенциализм таълимотига кўра, инсонни турли ваҳима ва даҳшатлардан фақат тараққиётга интилиш ҳисси сақлай олади. Шу

¹ Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров -Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 628

маънодаги фикрларни биз Мерло Понтида учратишимиз мумкин. Унинг фикрича, инсоннинг моҳиятини белгилайдиган тараққиёт ғояси европалик ва америкаликлардаги ашаддий хавф-хатар туйғусини сўндириб қўяди. Агар инсоният тараққиёт сари доимо илгарилаб бораверса, охир оқибатда биз ўзимизни ҳамиша эҳтиёткор бўлиш туйғусидан холи қилган бўламиз, барча ташвишлардан йироқлаштирамиз, инсониятнинг ўзини янада такомиллаштириши ва ҳузур ҳаловатда яшаши учун қулай имконият яратган бўламиз”¹.

Файласуфининг келажак ҳақидаги кўтаринки фикрларига ҳозирги кўплаб файласуфлар қўшилмаса керак, деб ўйлаймиз. Чунки ҳозирда келажак ҳақидаги фикрларнинг кўпи унинг акси бўлмиш тушкунлик руҳиятида эканлиги ҳаммамизга маълум. Фикримизнинг яққол исботи сифатида таниқли рус файласуфи, академик В.С.Степиннинг қуйидаги цивилизация натижасида келиб чиққан инқирозлар борасидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: “Инсоният эволюциясининг миллионлаб йиллари мобайнида шаклланган генофонди пойдеворида содир бўлаётган кучли ўзгаришлар бўлиб, бунинг биринчи сабаби атроф муҳитнинг бевосита таъсири (кимёвий ва радиоактив таъсирлар, ифлосланиш) бўлса, иккинчиси (турли касалликларни туғдирувчи микроб ва вируслар туфайли келиб чиқадиган) билвосита таъсирлардир. Ваҳоланки, кишилиқ жамияти генофондининг сақланишига хизмат қилувчи табиий омиллар (яъни табиий танланиш) фаолиятининг аниқ чегаралари бор. Масалан, танланиш вазифасини бажарадиган урушларда асосан соғлом, насл қолдира оладиган одамлар кирилиб келган. Катта тезлик билан ўзгариб бораётган нобарқарор ижтимоий вазиятлар ва барча соҳаларда содир бўлаётган рақобатлар ичида

¹ Чориев.А Билишнинг пойдевори // Тафаккур. – 2003. 1- сон. –Б.45

кечаётган ҳозирги ижтимоий ҳаёт эса ўз стресслари билан антропологик инқирозни кучайтирмоқда. Бу эса нафақат юрак, қон томирлари, онкология касалликлари, балки руҳий касалликларнинг ҳам кўпайишига олиб келди. Кейинги йилларда, депрессия (оғир руҳий сиқилиш) хасталиги XX аср охири XXI аср бошлари касалликларининг энг кенг тарқалган хилига айланди”¹.

Ш.Қаҳҳорованинг бугунги кун ва келажак учун бирдек тааллуқли бўлган муаммолар доирасида ёзган “Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси” номли монографияси ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир. Унда хусусан шундай фикрларни учратишимиз мумкин: “Кўпчиликка яқин кунларга қадар ҳам шак-шубҳасиз фақат ижобий ҳодиса бўлиб кўринаётган илмий-техника ютуқларини инкор этмаган ҳолда, айти шу ютуқлар туфайли цивилизация боши берк кўчага кириб қолганини эндиликда нафақат мутафаккир файласуфлар, гуманитар соҳа вакиллари, балки кўпчилик олимларнинг ўзлари ҳам оғир афсус билан тан олмоқдалар. Чиндан ҳам “Олимлар сиёсатчиларнинг қўлига бутун Планетадаги ҳаётни бир эмас, бир неча бор йўқ қилиш қувватига эга бўла оладиган куролларни тутқаздилар, лекин, келажакда уларни қандай йўқотиш ва нима қилиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилмадилар..., улар энергиянинг янги манъбаларини кашф этдилар ва этмоқдалар, шунинг билан бирга радиоактив чиқиндилар ва ядровий терроризмдан қутулишдайд жуда жиддий муаммоларни ҳам вужудга келтирдилар..., улар одамларга антибиотикларни совға қилдилар, айти пайтда, зарарли микроорганизмларда табиий танланиш жараёнини кучайтирдилар”².

¹Степин.В.С. Философия в эпоху перемен // Вестник МГУ. Серия 7. Философия. № 4. 2006. –С. 18-34.

² Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего Изд. 2-ое. -М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 3–5.

Лекин, олимларнинг жиловсиз тафаккури ҳамон инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқида ёнишда давом этмоқда. Улар, эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий хавотирга солаётган нанотехнологиялар, машина интеллекти, генетик медицина каби фан ва техника соҳаларида изланишлар олиб бормоқдалар ва сезиларли натижаларга эришмоқдалар”¹.

Кўриб турганимиздек, “инсон борлиғи” ва ёки унинг ҳаёт маъноси ҳақидаги фикрлари нафақат XX асрнинг 40-50-йилларидаги европа муаммоси, балки ҳозирги кун бутун ер юзи халқлари актуал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ишимизнинг ушбу мавзусини биз Мерло Понтининг экзистенциализм таълимоти ҳақидаги қуйидаги фикрлари билан яқунлаймиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам, биз экзистенциализм деганда, энг аввало, инсонга ҳаёт кечириш имконини берадиган ва бундан ташқари, ҳар қандай фаолият маълум муҳит ва инсоний субъективликни тақозо этишини таъкидлайдиган таълимотни тушунамиз.

2. Санъат ва адабиётнинг экзистенциал-феноменологик талқини

Экзистенциализм ва феноменология, аниқроқ қилиб айтганда, экзистенциал феноменология буюк шоирлар, мусаввирлар, ёзувчилар ижодига мурожаат қилади. Масалан, Гельдерлинг, Рильке, Сезанн, Ван Гог ва бошқалар. Ана шу санъат намояндаларининг асарларидан экзистенциал феноменологияга яқин ғояларни учратиш мумкин. Лекин

¹ Қахҳорова Ш. “Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси” -Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2009 - Б. 14

бу ижодкорлар учун экзистенциал фалсафа манба бўлган дейиш мумкин эмас. М.Хайдеггер, Гельдерлинг, Рильке, Ван Гог ижодини экзистенциал талқин қилишга интилан бўлса, Мерло Понти Сезанн ижодини экзистенциал-феноменологик талқин қилишга ҳаракат қилган. Бу билан файласуф, бир томондан, ўз фалсафасини “табiiйлигини” асослашга уринади. Бошқа томондан, феноменологияни бадий ҳодисаларни таҳлил қилишда қўллаш мумкинлигини кўрсатиб бермоқчи бўлади.

Сезанн ижодини танлаш ҳар тарафлама қулайлик келтиради. Даҳо мусаввир рассомчиликда инқилоб қилади. Унинг ижоди дунёга янгича қарашни кашф қилди. Янгича эстетик концепцияга йўл очди¹. Айнан шунинг учун ҳам буюк ижодкор санъатига ҳозирга қадар қизиқиш сўнгани йўқ.

Сезанн ижоди Рильке дунёқарашига, бадий ижодига катта таъсир кўрсатган. “Сезанн ҳақида бир мактуб”да Рильке шундай ёзади: ““Соатсўз” устида ишлаётганимда, табиат мен учун руҳлантириш манбаси сифатида роль ўйнади, унинг торларига менинг бармоқларим тирмашди; мен уни кўришга ҳали кўникмаган эдим...”².

Сезанн ижоди Рильке дунёқарашида ҳақиқий тўнтарилиш ясайди. Рильке шундай дейди: “Сезанннинг буюк полотнолари мендаги ўзгаришларга сабаб бўлди. Ҳаммадан қизиғи шундаки, Сезанн ҳақида гапириб, мен ўзим ҳақимда гап кетаётганлигини айтишим мумкин”³.

Сезанн полотнолари қандай бўлишидан қатъий назар, у табиатни инъикос қилади, табиатни намоён қилади. Бундан Рильке нарсаларни

¹Долгов К.М. От Киркегора до Камью. Философия. Эстетика. Культура. –М. Искусство, 1990. –С. 176.

² Ўша ерда. –Б. 176.

³ Ўша ерда. –Б. 176.

санъат ва эстетиканинг юксак тамойиллари эканлигини таъкидлайди. Рилькенинг саъйи ҳаракати билан “санъат-нарсa” ёки “нарсa-санъати” концепцияси яратилди. Худди шу концепция Мартин Хайдеггер томонидан ривожлантирилади. Бу анъанани Мерло Понти қабул қилиб олади. шу йўл билан файласуф Сезанн ижоди орқали ўз фалсафасининг яқин қирраларини кўрсатиб беради.

Мерло Понти Сезанн ҳақида “Сезанн шубҳалари” номли махсус очеркини ёзади. Нима учун шубҳа? Шунинг учун-ки, “шубҳа” ҳар қандай буюк мусаввир ижодининг ички мазмунини ташкил қилади. Унинг ҳамма ютуқ ва мағлубиятининг манбаси ҳисобланади. Азобли ёлғизлик ва дунёвий тан олинис масъулияти яққол намоён бўлади. “Шубҳа” – бу ўзига хос ижод метфизикасидир. У нафақат босиб ўтилган йўлни англаб етишдан иборат, балки келажак чизгиларини ҳам амалга оширади. Ёки “шубҳа” – ўз-ўзини англаш мактабининг ягона, асосли усулидир. Ўзини дунёда ва ўз дунёсида намоён қилиш, тасдиқлаш воситасидир. Ҳар ҳолда “шубҳа” бу антик скептикларининг “шубҳа”си ҳам эмас, Декартнинг “шубҳа”си ҳам эмас.

“Шубҳа” замонавий Ғарб файласуфларининг таълимотига кўра, инсон шахсиятининг қисматидир. Ҳаёт тўфонига тортилган инсон, фикрловчи ва ижодкор инсон қисматидир. Зеро, Мерло Понти , Ж.П.Сартрдан фарқли равишда, руҳият таҳлили “ютуқларига” суяниб муккасидан кетмайди. Лекин Ғарб фалсафасининг умумий йўналишига кўра, санъат ижодкор шахсининг патологик ҳолатидир, чуқур руҳий бузилишнинг оқибатидир.

Мерло Понти фикрига кўра, рассомчилик Сезанн мавжудлигининг ҳаёт тарзи ҳисобланади. У бир умр ёлғиз ижод қилган, шогирдлари бўлмаган. Оиласиз ундан хайратга тушмаган, хайъат аъзолари уни қўлламаган. У ҳатто онаси ўлаётганида ҳам ижодини тўхтатмайди.

Шунга қарамасдан, Сезанн бутун ҳаёти давомида ўз қобилиятига, ижодига, ҳаттоки ўз ҳаётига шубҳа билан қарайди. Бунга сабаб, замондошларининг унга нисбатан скептик муносабати ва уни тушунмаслиги бўлди. “Сархушт ассенизатор рассомчилиги” – деб баҳо беради Сезанннинг танқидчиларидан бири, 1905 йилда. Ҳаттоки, Золя Сезанннинг ёшликдаги дўсти унинг характериға кўпроқ диққат қаратади, ижод маҳсулининг мазмуниға эмас.

Мерло Понти Сезанн характеридаги гумонсираш, мутелик, ҳафаконлик, жаҳлдорлик, депрессив хусусиятларини руҳий бузғунлик ва касалмандлик билан боғлайди. “Одамлар билан тезда киришиб кета олмаслик, янги вазиятға мослаша олмаслик, одатларға, муҳитға боғланиб қолганлик, муаммоларни келтириб чиқармайди. Бунда бўйсунмайдиган, қатъий назария билан амалиёт оппозициясини, ҳукмронлик қилишға интилиш ва ёлғиз эркинлик симптомлари билан касалланган тузилмани яққол кузатиш мумкин. Масалан, Грекодаги шизоидлик ҳолати ҳақида гапириш мумкин. “Натурадан” чизги олиш ғояси Сезаннга ана шу беҳолликдан пайдо бўлган. Унинг табиатға, рангларға ҳаддан ташқари диққат қаратиши полотноларининг ғайриинсоний характерида далолат беради (унинг фикрича, шахсни объект сифатида тасвирлаш зарур), унинг буюмлар дунёсига урғу бериши, инсон дунёсидан қочишға, инсониятдан бегоналашишға олиб келади”¹.

Фрейд бадиий ижоднинг руҳий таҳлилий моҳиятини очиб беришға ҳаракат қилади. У инсон маънавий фаолиятининг дастлабки изларини боланинг гўдаклик чоғидан топиш мумкин, дейди. Шоир каби гўдак ўзининг ҳаёлот оламини вужудға келтиради. У оддий тасаввур

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 518.

чегарасидан ташқарига чиқиб кетади, шоирона таассуротга эга бўлмаган инсон уни ҳис қила олмайди. Гўдак ўз ўйини жараёнида мавжуд дунёни ўз дидига монанд қилиб ўзгартиради. Жумладан, у бунга жиддий қарайди. Шоир ҳам худди шундай ижодий таассуроти орқали нафақат санъатда гўзал дунёни яратади, балки унинг мавжудлигига ўзи ҳам ишонади. Фрейд ана шунга диққатини қаратади. Лекин уни руҳият таҳлили тафаккури элагидан ўтказиб, нотўғри талқин этади. Унга кўра, гўдаклар ўйини ва ҳаёлотида ҳам, шоирнинг ижодида ҳам ҳирсий хусусиятга эга бўлган онгсиз хоҳишлар ётади. Албатта, бундай талқин бир ёқлама ва ноилмий ҳисобланади. Зотан, онгсиз руҳий ҳодисалар ҳар қандай ижодий жараённинг, жумладан, шоирликнинг ҳам зарурий унсури ҳисобланмайди. Онгсиз руҳий жараёнларни мутлақлаштириб бадиий ижодиётнинг ибтидоси сифатида онгли жараёнларнинг алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Фақат ижтимоий психологиядан юз ўгириб, мавжудликдан кўз юмиб, - деб ёзади машҳур психолог Л.С.Виготский, - ёзувчи ўз ижодида онгсиз низоларни акс эттиради, деб тасдиқлаш мумкин. Ҳар қандай онгли ижтимоий вазифалар, муаллиф томонидан ижодда бажарилмайди»¹.

Шахснинг руҳий тузилмасини таҳлил қилаётганида турли онгли «Мен» билан онгсиз «У»нинг ўзаро таъсири ҳақида гапирди. Бироқ бунда гап, умуман инсон яхлит руҳиятининг ишлаш вазифалари ҳақида эди. Алоҳида инсон фаолиятининг намоён бўлишига нисбатан айтилмаган эди. Фрейд томонидан яратилган онг ва онгсизлик ўртасидаги муносабатнинг мавҳум ифодаси инсон фаолиятининг муайян турига ўз-ўзидан ўтиш тарзида намоён бўлади. Масалан, инсоннинг илмий, бадиий, ҳирсий, кундалик турмуш фаолиятида ҳам

¹ Виготский Л.С. Психология искусства. –М., 1968. –С. 110.

ўзига хос томонлари тўлалигича очилмай қолади. У ижодкорликнинг ўзига хос томонларини очиб беролмайди. Бу тасодиф эмас. Яъни руҳият таҳлили ҳар доим ҳам шахснинг ижодкорлик фаолиятининг ички тузилмасига кира олмайди. Олимнинг фикрига биноан, ҳаёлот оламининг шаклланиши асосида ётувчи баҳшидаликка (сублимация) мойиллик, шу жумладан, бадийликка ҳам чуқур тарзда руҳият таҳлили жиҳатдан ёндашиб бўлмайди. Фрейд таъкидлайдики, «бадий ижод моҳиятига руҳият таҳлили орқали кириб бўлмайди»¹, «руҳият таҳлили тадқиқоти орқали шоирлик даҳосини тушунтириб бўлмайди»², - дейди.

Мерло Понти Сезанн ижодини “янги психология” ғоялари нуқтаи назаридан талқин қилади, яъни бу янги талқин экзистенциал феноменология концепциясининг асосини ташкил қилади. Сезанн ижодида “илк табиат”га қайтиш мотивлари учрайди ва бу инсоний тартиб ва фан билан қиёсланади. Сезанн ҳақиқатдан ҳам, табиатни табиатдан тасвирлайди. У табиатни жуда севади, уни буюк устозларга солиштиради. Сезанн табиатни инсонлаштиришга интилади. Уни табиатга нисбатан бузғунчи муносабат кучли изтиробга солади. Унга инсон табиатининг бузилиб бораётганлиги, инсоний маданиятнинг пароканда бўлаётганлиги яққол намоён бўлади. Мерло Понти фикрига кўра, Сезанн санъат орқали ана шу бузғунчиликка қарши курашга отлангандай бўлади, ана шу бегоналашишга қарши кураш бошлагандай туюлади.

Мерло Понтининг фикрига кўра, Сезаннинг тасвирий санъати, фақат тасвир эмас, балки ифодадан иборат. Рангтасвир воқеликнинг

¹ Фрейд З. Леонардо да Винчи. –М., 2009. –С. 117.

² Freud S. Preface to Marie Bonapartes. The Life and Works of Edgar Allan Poe: A Psycho – Analytic Interpretation. // The Standard Edition of the Complete Psychological Workc of Sigmund Freud. Vol. 22. –P. 254.

санъаткор танлаган нуктаи назардан мўйқалам ва бўёқлар воситасида муайян текис материалда расм тарзида туширишдан иборат. Унда рассомнинг услуби, бўёқ танлашдаги маҳорати, нур ва соялар ўйини янгича композицион ёндошув каби санъаткор истеъдодини белгилайдиган жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Айнан ана шулар тўғрисида рассом табиат, жамият, шахс ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг такрорлагмас сержило манзараларини бизга етказиб беради, воқеликдаги эстетик хусусиятларни ранг воситасида тасвирлайди. Рассом буларнинг ҳаммасини фақат расм йўли билангина эмас, балки расмга ўхшаш лекин аслида расм бўлмаган ҳаво, нур, туман ва ҳ.к. сингари асарнинг эстетик руҳини белгилаб берадиган чизик тасвирлар воситасида инъикос эттиради. Санъат компенсация (ўрнини тўлдириш) вазифасини бажаради. Санъатнинг бу вазифаси маълум шароитда биринчи ўринга чиқиши мумкин. Бу айниқса ҳозирги замон маданиятида маънавий ижод маҳсулотларининг инсонни жамият билан келиштириши учун хизмат қилади. У инсонни кундалик юмушларидан, мавжуд ҳаёт муаммоларидан бир оз чалғитади. Демак, ўрнини тўлдириш (компенсация) – санъатнинг ягона вазифаси эмас. Бадиий ижодиёт хунарга айланиб, ижтимоий талабни қондирса; санъат асарлари омма ижодий мулкига айланса, улар қалбидан хушнудлик учун жой олса санъатнинг ўрнини тўлдириш вазифаси бажарилади.

Мерло Понти доимо Сезаннинг улуғворлигини таъкидламоқчи бўлади. Ўз даврида Леонардо да Винчи шуни шиор қилиб олганидек, мумтоз шеърят санъати: бу доимо мураккабликдир. Сезаннинг мураккабликлари, худди Бальзак ёки Малларме сингари, уларга турли табиатлилик хос. Бальзак ҳаётни оддий рангларда ифодалаб, лекин синоатлиликни сақлаб қолишга уринади. Бальзак ижоди Сезанн ижодини ўрганишга ёрдам беради.

Оноре де Бальзак машхур француз реалист ёзувчиси (1799-1850 йиллар). “Шуанлар” (1829) номли биринчи реалистик романи Бальзакнинг илк ютуғи бўлди. “Шагрень тери” романи (1831) Бальзакка шуҳрат келтирди. Бальзак бу асарда шоир Рафаэль қиёфасида шахсиятпарастлик ҳукмрон бўлган жамиятда истеъдодли инсоннинг ўлимга маҳкумлигини ифодалайди. Ёзувчида ўз даврining ҳаққоний бадиий тарихини, турли тоифадаги кишилар дармасини яратиш фикри туғилади. Бирин-кетин юксак асарлар яратиб, уларни “Инсон комедияси” деб атайти.

Ҳаёт – ҳақиқий мусаввир ана шундан келиб чиқади, унга қайтади, унга мурожаат қилади. Мерло Понти фикрига кўра, “мусаввир доимо чексиз Логос ғоясига, лойихасига қайтади”¹. Унингча мазмунга эга бўлмаган нарсада ҳали мазмун йўқ. Мусаввир субъективлиги, қачонки у анархия ва бошбошдоқликдан воз кечгандагина намоён бўлади, у объектив воқелик қонуниятларига етиб боради. Уларни ўз муносабати орқали очади. Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳам «матнлар йиғиндиси» сифатида талқин этилади. Бу матнлар бошқа матнлар билан ўзаро таъсир этиб, маданиятни ташкил қилади. «Ҳеч нарса матндан ташқарида мавжуд эмас, - дейди Ж.Деррида, - ҳамма нарса матнда намоён бўлади ва матн талқини орқали аниқланади. Ўзига хос танқидий фаолиятнинг «фарқлаши» натижасида намоён бўлади»².

Дунё чексиз, бепоён матн сифатида тушунилгандан сўнг, уни талқин қилиш чегаралари аниқлашади, улар аллегориялар бўлади. Аллегориялар замонавий маданиятни қабул қилиш ролини бажаради.

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 520.

² Қаранг: История философии. –Ростов-на Дону, 1999. –С. 202.

Концептуал талқинларни қайта кўриб чиқиш янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай услуб ролини «деконструкция» ўйнайди, яъни матн ягона, белгиланган мазмун эканлигига ишончни синдирди. Натижада, матн ва мазмун ўртасидаги алоқа узилди. «Мазмун ва маъно диктатурасининг» йўқолиши, устивор карама-қарши, муҳолиф зиддиятлар ечимига олиб келади, шунингдек, маконий ва замоний чегараларнинг марказчилик хусусиятларини ҳам йўқотади, «децентрация» юзага келади. Бу эса ҳокимиятнинг таъсир кучини заифлаштиради, «перифириядагиларни» бўйсинувчанлик хислатини йўқотади. Қадрият ва системаларнинг «доминантлик» аҳамиятини четлаб ўтади. «Юксак маданиятларни» инкор қилади, уларни оммавий маданият даражасигача тушириб қўяди, турли услублар, шакл ва йўналишларнинг эклектик ҳукмронлигини кучайтиради.

Маконий-замоний чегараларнинг олиб ташланиши, санъатда анъаналар аҳамиятини йўқотади. Унинг ўрнига, биринчи навбатга, «иктибос» (цитата) олиш чиқади, матннинг ичида манипуляция (турли ҳаракатлар) қилинади. Нуфузлар ва тажриба ҳеч нарса бўлмай қолади. Олам плюрализм сифатида намоён бўлади, ҳеч қандай ягона ишлаб чиқилган тамойилга бўйсунмайди. Тарих шунинг учун ҳам ўз мазмун ва йўналишини йўқотади. «Давр стрелкаси» компас стрелкасига айланади ва кутблар ўртасида сарсон-саргардон бўлади. Вақт ўз ўлчамларини, яъни модусларини йўқотади, «ҳозирдаги мозейлик» сифатига ўтади. Шакл мазмундан ажралади, антишакл ҳукмронлик қилади; тарихда тасодиф ҳукмрон бўлиб қолади, қонуниятга ўрин қолмайди; иерархия структурали тузилманинг тамойили сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, анархияга ўрин бўшатиб беради. Ижодиёт ўрнини деконструкция эгаллайди. Марказлашув тарқалишув билан ўрин алмашади;

белгиланувчи белгиловчини сиқиб чиқаради; мақсад ўйинга, аниқлик – ноаниқликка айланади. Бу тамойиллар санъатнинг дунёни қабул қилиш тимсоллари асосида ётади, улар инсонни тушунишда ҳам намоён бўлади, метафизик антропология ва гуманизмга қарши туради. Инсон субъект сифатида талқин қилинмайди. Унинг моҳияти жамоавий «мен», «ижтимоий, сиёсий онгсизлик» сифатида талқин қилинади. Санъатда универсал гуманизм асосланади, у бутун жонли коинотга томон йўналтирилади, «ҳокимият» ва «эркинлик» тушунчаларини танқидий ўзлаштиради, акс эттиради.

Шунда Мерло Понтининг таълимоти тушунарли бўлади. Сезанн ижодини талқин қилишда субъективликдан қочиб, Мерло Понти мусаввирнинг асарлари характерини очишга интилади. Мусаввир ижоди “матн” бўлса ҳам, у бизга мазмунни очишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ҳаёт асарни тушунтирмайди. Асарни ўзи ҳаётни истайди¹. Шундай қилиб, Мерло Понти адабиёт тарихини кузатиб, шундай дейди, ҳар қандай буюк романчининг асари икки ёки уч фалсафий ғоядан иборат: Мен, Стендалнинг эркинлиги, Бальзак сингари тарих синоати, Прустдаги мозий, ҳозир ва келажакда вақтнинг йўқолиб қолганлиги. Бироқ ёзувчининг вазифаси Мерло Понтига кўра, фалсафий ғояларни ривожлантиришдан иборат эмас, балки ғояларни бизнинг кўз олдимизда худди нарсалар сингари намоён қила олишидан иборат. Фақатгина XIX асрга келиб, Мерло Понтига кўра, адабиёт ва фалсафа ўртасида озми кўпми алоқа ўрнатилади. Бу кундалик ёзишда намоён бўлади. Унда ҳар бир одам дунё билан алоқа ўрната олади.

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 522.

Бандга хулоса қиламиз. Мерло Понти ўтган фалсафий тизимларни синчковлик билан ўрганиб шундай хулосага келади, файласуфлар ўз тасаввурларини қандайдир транценденталлик, диалектика ёки тушунчалар сифатида яратиб олиш билан чекланганлар. “Метафизика инсонда қатланиб, мустаҳкам инсоний табиатни ҳосил қилди”¹. Метафизика унинг тафаккурий шуурида нуфузли концептуал тузилма эмас, балки инсон ривожининг табиий, зарурий натижаси сифатида намоён бўлади, унда тана ва жон, ҳиссиёт ва фикр, ҳаракат ва сўровлар яхлит мужассамлашади. Мерло Понти метафизикаси – бу доимо ўзлаштириладиган фалсафий тузилма эмас, балки ноёб структура – инсон субстанциясидир. Бу субстанция унинг эволюциясида ётади, бутун борлиғини қамрайди. Бу имманент-антропологик метафизикадир. Ана шу метафизиканинг вазифаси, классик метафизика вазифасидан тубдан фарқ қилади. Мерло Понти экзистенциал-феноменологик фалсафаси дунёни тушунтирмайди, балки у тажрибани “шакллантиради”, дунё билан алоқани ўрнатади, у ҳар қандай дунё ҳақидаги фикрдан устун туради. Шундан бошлаб инсон метафизикаси, ўзининг эмпирик борлиғидан ташқари – Худога, Онгга мурожаат қилмайди. Унинг борлиғида, муҳаббатида, нафратида, индивидуал ва жамоавий тарихида метафизика намоён бўлади. Метафизика Декарт айтгандек, бир неча ойлик тафаккурнинг иши эмас, балки Паскаль муножатидек, қадб туғёнига айланади. Шу дақиқадан бошлаб, адабиёт ва фалсафа бир ўзанда оқади. Яширинган дунё онги ҳақида гапирилади ва кўрсатилади. Дунёга эга бўлиш абстракт тузилмалар орқали эмас, балки унинг жонли “тарихи” орқали амалга ошади. Шунда бир бора ҳам фалсафий луғатдан фойдланмаган ҳолда, роман ва театр негизидан

¹ Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967. –P. 524.

метфизикага айланади. Адабиёт метафизикаси муайян маънода ахлоқдан устун бўлади. Бадиий метафизиканинг ривожини – “ахлоқ суқувчи” бадииятдан озод бўлади.

Иккинчи бобга хулоса

Экзистенциал феноменология буюк шоирлар, мусаввирлар, ёзувчилар ижодига мурожаат қилади. Масалан, Гельдерлинг, Рильке, Сезанн, Ван Гог ва бошқалар. Ана шу санъат намояндаларининг асарларидан экзистенциал феноменологияга яқин ғояларни учратиш мумкин. Ёзувчининг вазифаси Мерло Понтига кўра, фалсафий ғояларни ривожлантиришдан иборат эмас, балки ғояларни бизнинг кўз олдимизда худди нарсалар сингари намоён қила олишидан иборат.

Мерло Понти Сезанн ижодини “янги психология” ғоялари нуқтаи назаридан талқин қилади, яъни бу янги талқин экзистенциал феноменология концепциясининг асосини ташкил қилади. Шундай қилиб, Мерло Понти феноменологияси, аниқроқ айтганда, экзистенциал феноменологияси бутун француз экзистенциализми ва экзистенциал феноменологиясининг асосига айланади. Айрим ўзгаришларга қарамайдан, мавжудлик масаласи яширинган ҳолда диққат марказда қолади. Мерло Понти феноменологиясининг замонавий санъатдаги ифодаси замонавий киноматографияда ва “янги психологияда” намоён бўлади.

Хулоса

Фалсафа - фанларнинг отаси ва кўп мингйиллик инсоният турмуш тажрибаларининг жавоҳири. Фалсафасиз турмуш хира ва сийқа. Асосида фалсафа ётмаган фан йўқ...

Ғарб дунёси фалсафа ва социологияга кейинги уч тўрт аср мобайнида мислсиз эътибор бериб ва ўз ҳаётларини шу фанларнинг ютуқлари асосига қуриб, ҳайратомуз тараққиётга эришди. Яна янгидан янги тараққиёт йўллари ва имкониятларини очмоқда.”¹

Албатта бу ҳақиқатан ҳам Ғарб тараққиёти асоси масаласида тўғри чиқарилган хулосадир. Шу сабабдан Европа адиблари ижодлари билан шуғулланиш, уларни ўрганиш ва улардан кераклича хулосалар чиқариш биз ёшларнинг бурчимиз десак ҳам хато бўлмайди.

Ҳозирги коммуникация ва ахборот соҳасидаги инқлобий ўзгаришлар дунёқарашнинг янгиланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу жараён шундай тез содир бўлмоқдаки, инсон уларнинг қайси бирига ишонишга ва ҳаттоки уларга муносабат билдиришга ҳам улгурмай қоляпти. Бир сўз билан айтганда биз инсонлар хаотик дунёқарашлар орасида иккиланишлар билан ҳаёт гузаронлик қилиб келмоқдамиз.

Мерло Понти ўзига хос “экзистенциализм фалсафаси”ни яратди. 1950 йилларда ўз таълимотини метафизик услубни сақлаб қолган экзистенциализмга қарши қўйди.

Мерло Понти эркинлик ва зарурият, объект ва субъект ўртасидаги қаршиликни енгишга ҳаракат қилди. Ҳаётий тажрибани қабул қилиш ва баён этиш марказий муаммога айланди.

Мерло-Понти фалсафаси қабул қилиш таҳлилидан кўриш таҳлилига ва субъект ва объект ўртасидаги қарама-қаршиликни олиб

¹ Ницше Ф. Зардушт таваллоси // Тарж. Иброҳим Ғофуров. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –Б. 325.

ташлайдиган, қабул қилинаётган дунёнинг онтологик мавқеини қайта тиклайдиган “мавжудлик” ғоясига ўзгаради.

Интенционал дунё рефлексия жараёнида пайдо бўладиган эмас, балки рефлексгача мавжуд деб тақдим этилади. “Дунё трансценденция” сифатида талқин қилинди, субъект муайян тарихий, маданий, ва ниҳоят биологик мавжудот эканлиги, унинг маъноси шундан иборатки, субъект ўз ҳаётини бошқалар тажрибасига солиштириб кейинчалик англаб етади. Дунё “Мен” ва бошқа инсонларни, онгни ва табиатни боғловчи “орадунё” сифатида тушунилди.

Мерло-Понти фалсафаси энг аввало инсоннинг интерсубъектив тажрибаси фалсафасидир. “Тил ҳамжамиятида мавжуд тирик тил”га алоҳида аҳамият берилади. Танага ўхшаб у ўзида объект ва субъектни бирлаштиради.

Демак, инсон ҳаёт моҳиятини билишга эмас, балки шу ҳаётда яшаш, мавжуд бўлишга интилиши керак. Борлиқдаги барча жараёнлар Мерло Понти таълимотига кўра, «нарсa ўзида» бўлиб қолаверади ва биз уларнинг сирини очолмаймиз. Ҳатто, илм фан ҳам нарсa ва ҳодисаларни фақат юзаки ҳодиса сифатида ўрганади. Умуман олганда, экзистенциал феноменология инсонни ўз-ўзини топишда кучсизлик қилди. Инсон мавжудлигининг мазмунини топишда ҳам етарли, ишонарли асос тополмади. Лекин шунга қарамасдан, инсонпарварликнинг янгича талқинига оид янги категорияларни ишлаб чиқди. Инсонни дунёга бўлган янгича гуманистик муносабатини шакллантирди. Худди шундай табиатга ҳамда маданиятга нисбатан алоқаларини ҳам инсонийлик даражасига кўтарди. Баддий адабиёт билан фалсафанинг дўстона алоқасини метафизика нуқтаи назаридан талқин қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қонунлар ва расмий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: Бирлашган миллатлар ташкилоти, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. – Тошкент: Шарқ, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-19 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон 1998.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 2010 йил. 22 сентябр.

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. 2010 йил. 13 ноябр.

10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таррақиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. 2010 йил. 8 декабр.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

3. Китоблар ва монографиялар

1. Акимов И., Клименко В. О природе таланта. В 7 т. М., 1994. Т.1: Концепция. 224 с.

2. Актуальные проблемы социально-гуманитарного знания: Вып.2. Проблемы изучения человека в социально-гуманитарном знании. Иваново: ИвГУ, 2000. 136 с.

3. Альвен Х. Атом, человек, Вселенная. Длинная цепь усложнений. М., 1973. 64 с.

4. Асмус В.Ф. Историко-философские этюды. М., 1984. 318 с.

5. Афанасьев В.Г. Мир живого: системность, эволюция, управление. М., 1986. 334 с.
6. Бакина В.И. Взаимоотношение макрокосмоса и микрокосмоса в ранней древнегреческой философии // Вестник Московского университета. Сер.7. Философия. 2000. №5. С.21-30.
7. Батищев Г.С. Найти и обрести себя // Вопросы философии. 1995. №3. С. 103-129.
8. Батищев Г.С. Введение в диалектику творчества. СПб., 1997. 484 с.
9. Брагин А.В. Мир как система и Человек. Иваново, 2001. 160 с.
10. Бубер М. Я и Ты. М., 1993. 173 с.
11. Воскобойников А.Э. Быть человеком это быть свободным и ответственным // Философское образование: Материалы круглого стола. Москва, 23 мая 2002. -Иваново, 2002.
12. Долгов К.М. От Киркегора до Камью. Философия. Эстетика. Культура. –М. Искусство, 1990.
13. Гуревич П.С. Философская антропология. -М., 2001. 455 с.
14. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. -СПб., 1999. 471 с.
15. Гегель Г.В.Ф. Лекции по эстетике. Кн.1. // Гегель Г.Ф.В. Соч. в 14 т. -М., 1938. Т.12. 471 с.
16. Гуссерль Э. Логические исследования. Т. 1 // Гуссерль Э. Философия как строгая наука. Новочеркасск, 1994.
17. Гуссерль Э. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии. М., 1994.
18. Гуссерль Э. Феноменология. Статья в Британской энциклопедии // Логос. М., 1991. № 1.
19. Гуссерль Э. Картезианские размышления. СПб., 1998.
20. Гуссерль Э. Парижские доклады // Логос. М., 1991. № 2.

21. Гуссерль Э. Амстердамские доклады // Логос. М., 1992. № 3.
22. Гуссерль Э. Кризис европейского человечества и философия // Вопросы философии. М., 1986. № 3.
23. Гуссерль Э. Кризис европейских наук и трансцендентальная феноменология. СПб., 2004.
24. Гайденоко П. П. Научная рациональность и философский разум в интерпретации
25. Гуссерля Э. // Вопросы философии. М, 1992. № 7.
26. Ницше Ф. Зардўшт таваллоси // Тарж. Иброҳим Ғофуров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
27. Мерло-Понти М. В защиту философии. -М., 1996.
28. Молчанов В. И. Время и сознание. Критика феноменологической философии. -М., 1988.
29. Молчанов В. И. Парадигмы сознания и структуры опыта. // Логос. -М., 1992. № 3.
30. Прехтль Петер. Введение в феноменологию Гуссерля. Томск, 1999.
31. Husserliana. Edmund Husserl, Gesammelte Werke. Bd. I-XXXVI.
32. Хайдеггер М. Прологомены к истории понятия времени. -Томск, 1998.
33. Хайдеггер М. Кассельские доклады. -М., 1995.
34. Хайдеггер М. Бытие и время / Пер. В. В. Бибихина. -М., 1997.
35. Хайдеггер М. Работы и размышления разных лет. -М., 1993.
36. Хайдеггер М. Время и бытие. -М., 1993.
37. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. -М., 1991.
38. Хайдеггер М. Разъяснения к поэзии Гёльдерлина. -СПб., 2003.
39. Бимель В. Мартин Хайдеггер сам о себе. -Челябинск., 1998.
40. Михайлов И. А. Ранний Хайдеггер. -М., 1999.

41. Михайлов И. А. Был ли Хайдеггер феноменологом? // Логос. -М., 1994. № 6.
42. Степин.В.С. Философия в эпоху перемен // Вестник МГУ. Серия 7. Философия. № 4. 2006.
43. Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего Изд. 2-ое. -М.: Эдиториал УРСС, 2001.
44. Философия Мартина Хайдеггера и современность. -М., 1991.
45. Sartre J. P. L'Être et le Néant. -P., 1948.
46. Sartre J. P. Critique de la raison dialectique, Т. 1. -P., 1960.
47. Сартр Ж.-П. Бытие и Ничто. -М., 2000.
48. Сартр Ж.-П. Стена («Тошнота», «Мухи», «Слова» и др.) -М., 1992.
49. Сартр Ж.-П. Экзистенциализм — это гуманизм // Сумерки богов, - М., 1989.
50. Merleau-Ponty M. La Phenomenologie de la perception. –Paris, 1967.
51. Фрейд З. Леонардо да Винчи. –М., 2009.
52. Freud S. Preface to Marie Bonapartes. The Life and Works of Edgar Allan Poe: A Psycho – Analytic Interpretation. // The Standard Edition of the Complete Psychological Workc of Sigmund Freud. Vol. 22.
53. История философии. –Ростов-на Дону, 1999.
54. Қахҳорова Ш. “Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси” -Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2009.
55. Чориев.А Билишнинг пойдевори // Тафаккур. – 2003. 1- сон.
56. Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров - Тошкент: Шарқ, 2004.

4. Интернет сайтлари ва материаллари

1. <http://www.philospedia.com>
2. <http://www.artmixx.ru/index.phl/freiddd>

3. <http://www.eleven.co.il/article/14349>
4. <http://www.2unil.ch/slav/ling/textes/VOLOSHINOV27/I-1.html>
5. [www//kontrolynaya.avorut.ru/load/11](http://www.kontrolynaya.avorut.ru/load/11)
6. [www//slovari.yandex.ru/dict/phil_dict](http://www.slovari.yandex.ru/dict/phil_dict)
7. [www//revolution.allbest.ru/philosophy/00006941.html](http://www.revolution.allbest.ru/philosophy/00006941.html)
8. <http://tashkent.uz/article/466/>
9. www.pschoanalyse.ru/biblioall_16.html
10. http://society.polbu.ru/kirilenko_philosophy//ch12_i.html
11. <http://b2uv.narod.ru/erichfromm.htm>